



20 20 у. « 9 » ИЮЛЬ

№ Қ-335

« » 20 г.

**Бойсун тумани “Работ” массиви
худудида фаолият юритаётган “Элбек
Элчинбек” фермер хўжалигига
“Паррандачилик фермаси” қурилиши
учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/365-сон йиғилиш баёни, Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 15 майдаги 01-02/108-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/365-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бойсун тумани “Работ” массиви худудида фаолият юритаётган “Элбек Элчинбек” фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик харитасининг 348-дала контуридаги 0,10 гектар яйлов ер майдонида “Паррандачилик фермаси” қурилиши учун рухсат берилсин.

3. “Элбек Элчинбек” фермер хўжалиги “Паррандачилик фермаси” учун рухсат берилаётган “Работ” массивидан 0,10 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 342 188 (бир миллион уч юз қирқ икки минг бир юз саксон саккиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов